O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FARG‘ONA VILOYATI
QO‘SHTEPA TUMANI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ХОКИМА
КУШТЕПИНСКОГО РАЙОНА
ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

2019 yil « 06 **»** март **№** 705 **Лангар қишлоғи**

Туман худудидаги барча давлат тасарруфидаги ва шахсий автомототранспортлар, тиркамалар ва ярим тиркамаларни 2019 йилги мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2013 й. 15-сон 197-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31-январдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техик кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш хақида”ги 54-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й. 1-2-сон 17-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1010-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2017 й. 09/17/1010/0461-сон) ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори рахбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қарор билан:
2019 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситалари табдиркорлик субъектлари-юридик шахслар томонидан мажбурий техник кўрикдан ўтказилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Туманда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг автомототранспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туманда тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчи ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жихозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари бир йилда икки марта, биринчи 1 мартдан 30 июнгача, иккинчи 12 сентябрдан 31 октябргача техник кўрикдан ўтказилсин.

5. Автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказилганлик учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда йиғим ундирилсин.

6. Комиссия таркибига киритилган мутахассисларни асосий иш жойидан ойлик иш ҳақи ва лавозими сақланган ҳолда туман ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи ихтиёрига 2019 йилнинг 1 январидан 1 ноябригача юбориш тегишли ташкилот, корхона ва хўжалик рахбарлари розилиги билан амалга оширилсин.

7. Тумандаги транспорт воситаларини техник кўрикка жалб килишда йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи таркибига, туман автомотоҳаваскорлар жамияти, махалла фуқаролар йиғини раислари, туман ички ишлар бўлими ходимлари жамоатчилик асосида жалб қилиш тавсия этилсин.

8. Туман Ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи рўйхатида турувчи йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи автобус ва кичик автобусларни техник кўригини ўтказиш белгиланган жадвал асосида «Ғиштмон Файз Инвест» МЧЖга қарашли автосервисда автомабилларнинг техник қарови ва таъмир ишларини бажариш учун қулайликлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда тарафларни эркин шартнома тузилган ҳолда ўтказилсин.

9. Туман "Истиқбол йўли" рўзномасида ушбу қарор расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг веб-сайтига жойлаштирилсин.

10. Қарор оммавий ахборот воситаларида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Қурбонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **И.Новиков**